

Ислом динида инсон ҳуқуқлари



Доктор Зубайр Фаттани

Аллоҳ таоло инсонлару оламларнинг мутлак ва ягона Роббисидир. У олий ҳукмдор, қувват эгаси ва Раззоқдир. Унинг раҳмати бутун борликни тебратади. Аллоҳ таоло ҳар бир одамни инсоний кадр-қиммат ва ҳурмат билан тақдирлаган. Инсонлар аслида бир хилдир. Сезиларли даражада ва муҳим фарқ одамлар орасида барпо қилинмаган. Улар миллати, ирки ва ранги билан ажралиб туради, ҳолос. Ҳар ким шарафли ва севимли бандалиги билан мағфиратли Парвардигори – оламлар Роббисига боғлангандир. Шундай муҳитда ягона Аллоҳнинг Ислом жамоати етакчилик қилиб марказда турибди ҳамда энг муҳими танҳо инсонийлик ва биродарлик гоёсини маҳкам ушлаган.

Ислом дини бутун инсониятга ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқларни жорий қилган. Ҳар қандай шахс Исломнинг ҳоҳ ичида бўлсин, ҳоҳ унинг ташқарисида; ҳоҳ у тинчлик даврини, ҳоҳ уруш лаҳзаларини ўз бошидан кечираётган бўлсин, уларга риоя қилинади ва барча шароитда эътибор берилади. Қуръони Каримнинг инглиз тилидаги таржимаси «Канзул иймон»да очик-ойдин келтирилган:

«Эй иймон келтирганлар! Аллох учун ҳақда тулинг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни (уларга нисбатан) адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу таквога оид ишдир. Аллохга такво қилинг. Албатта, Аллох қилаётган амалингиздан хабардор Зотдир» *(Моиди сураси, 8-оят)*.

Инсон жони ҳар қандай шароитда муқаддас ҳисобланади ва унга ноҳақдан тажовуз қилинмайди. Агар ким шу муқаддас инсониятнинг жонига ноҳақ қасд қилса, «Қанзул иймон»да бу кимса бутун инсониятни ўлдириш билан тенглаштирилади:

«Шунинг учун ҳам Бани Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақ ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам, ўлдирса, гўё барча одамларни ўлдиргандек бўлади. Ким уни тирилтирса, гўё барча одамларни тирилтиргандек бўлади», деб ёздик. Батаҳқиқ, уларга расулларимиз баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра бундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар» *(Моиди сураси, 32-оят)*.

Аёллар, болалар, қариялар, касал ва дардманларни таҳқиқлаш таъқиқланган. Хотин-қизларнинг номуси ва иффиати ҳар қандай шароитда ҳурмат қилиниши шарт. Қорни оч қолган кишилар тўйдирилиши зарур, яланғоч қолганлар қийинтирилади ва жабр кўрган, дардга чалинган одамлар учун тиббий ёрдам кўрсатилади. Хаттоки Ислом динига алоқаси бўлмаган инсонлар ҳам бундан мустасно эмаслар.

Биз Ислом динида инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритар эканмиз, бу ҳақ-ҳуқуқлар Аллох таоло томонидан қафилланган, дея оламиз. Улар ҳар қандай қироллик ёки қонунчилик мажлиси томонидан чиқарилган эмас. Қироллик ёки қонунчилик мажлиси томонидан тақдим этилган ҳуқуқлар қайси йўл билан тақдим этилган бўлса, шу йўсинда қайта қақриб олиниши мумкин. Ҳокимият тарафидан қабул қилинган ва тан олинган ҳуқуқларда худди шундай ҳолат учраб туради. Улар истаган вақтда ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этишлари ва истаган вақтда қақриб олишлари, шунингдек, истаган вақтда очикчасига бузишлари ҳам мумкин.

Лекин Ислом динида Аллох таоло тарафидан инсонга ҳуқуқлар берилган экан, на дунёдаги ҳеч қайси қонунчилик мажлиси ва на ҳеч қандай ҳуқуқат ер юзида бу илоҳий ҳақ-ҳуқуқларга тузатиш ёки ўзгартириш қиритиш ҳуқуқига ҳам, қучига ҳам эга эмас. Шунингдек, ҳеч ким уларни бекор қила олмайди ва қайтаролмайди.

Улар ким бўлибдики, асосий инсон ҳуқуқларини коғозларда кўргазма учун чоп этишади-да, сўнгра хақиқий ҳаётда намойиш тугаши биланок инкор қилишади?!

Улар ҳеч қандай фалсафий концепцияларга ўхшамайди.

БМТнинг низом ва баёноtlари, қарорларини Аллоҳ таоло тарафидан берилган ҳуқуқлар билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки инсонларнинг қарорлари ҳар қимга ҳам яроқлилигини кўрсата олмайди. Аллоҳ таолонинг фармойишлари эса ҳар бир иймонли учун янада фойдалироқдир. Улар Исломга иймоннинг ажратиб бўлмас қисмидир. Ҳар қайси мусулмон ёки ўзини мусулмон сифатида таъкидлаётган масъул илоҳий ҳақ-ҳуқуқларни қабул қилиши, тан олиши ва амалда қўллаши лозим.

Агарда улар ҳаётга тадбиқ қила олмасалар, Аллоҳ таоло тарафидан ўрнатилган ҳуқуқларни инкор қилишни бошласалар ёки тузатишлар киритишса, амалда уларни бузишса, ҳукмларни бекорчи гап-сўзлар билан алиштирасалар, уларга Қуръони Қаримнинг ҳукми очик-ойдин келтирилган:

«Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У билан У Зотга таслим бўлган набийлар, Аллоҳнинг қитобини муҳофаза қилишга муқаллаф бўлган роббонийлар ва ахборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритурлар. Улар бу қитобга гувоҳ қилинганлар. Одамлардан кўркманглар, Мендан кўркинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Қим Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир» (*Моидасура*, 44-оят).

Ҳаёт ва мол-мулк ҳимояси

Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўзларининг видолашув хутбаларида қуйидагиларни марҳамат қилганлар: «Бу қунингиз қандай муқаддас бўлса, бу ойингиз қандай муқаддас бўлса, бу

шаҳрингиз қандай муқаддас бўлса, билинги, жонларингиз, молларингиз ҳам то Аллохнинг ҳузурига чиққунга қадар бир-бирларингизга бу муқаддас кун, бу муқаддас ой, бу муборак шаҳар қаби муқаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажовуз ҳаромдир».

Пайгамбаримиз (с.а.в.) яна бир ҳадиси муборакларида айтадилар: *«Ким аҳли зиммадан бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Албатта, унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан келиб туради».*

Шараф ҳимояси:

«Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масҳара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масҳара қилмасин), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиклик исми нақадар ёмон! Ва қим тавба қилмаса, бас, ана ўшалар, ўзлари золимлардир.

Эй иймон келтирганлар! Қўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни гийбат қилманглар. Бирортангиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан кўркинлар! Албатта, Аллоҳ тавбани қўп қабул қилувчи, раҳмлидир» (*Хужурот сураси, 11–12-оятлар*).

Шаҳсий ҳаёт ҳимояси ва дахлсизлиги:

«Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча қирманг. Ана шундай қилмогингиз сиз учун

яхшидир, шоядки, эсласангиз» (Нур сураси, 27-оят).

Хусусий эркин-эминлик ҳимояси:

Ислом дини шундай тамойилларга қурилганки, ҳеч бир фуқаро, агарки унинг қилган айби очик маҳкамада исбот қилинмаса, ҳибсга олинмайди. Ислом динида бирон киши гумонга асосланиб қўлга олинishi, маҳкама жараёнисиз қамолка ташланиши унинг ҳимоясини таъминлаш учун асосли имконият тақдим этилмасдан йўл қўйилмайди.

Зулмга қарши чиқиш ҳуқуқи:

Ислом дини жорий қилган ҳуқуқлар орасида ҳуқумат жабр-зулмига қарши чиқиш ҳуқуқи ҳам мавжуд. Қуръони Қарим оятларига мувожаат қилинса, шундай дейилган:

«Аллоҳ ёмон гапни ошқор қилишни хуш қўрмас. Магар мазлумдан бўлса, майли. Алло х эшитувчи, билувчи Зотдир» (Нисо сураси, 148-оят).

Ислом динида, юқорида таъкидланганидек, барча салтанат ва қуч Аллоҳгагина тегишли. Одамга факатгина ишончга асосланган холда унга бошқарув топширилади. Шундай вазифани ўз зиммасига олган ҳар қандай киши одамлар олдида чуқур ҳурматда туриши лозим. Сабаби у ўз лавозимидан сўралади.

Ҳазрат Абу Бакр (р.а.) шундай деган эдилар: «Тўғри иш қилаётганимда менга ёрдам беринг. Лекин хато содир этганимда мени тўғрилаб қўйинг. Аллоҳ ва Унинг расули

буйруқларига эргашаётганимда менга бўйсунинг. Мабодо, тўғри йўлдан оғсам, мендан юз ўғиринг».

Ўз фикрини билдириш эркинлиги:

Ислом дини барча фуқароларга фикрлаш ва ўз фикрини билдириш ҳуқуқини беради. Шундай шарт биланки, унда фақат яхшиликни ва ҳақиқатни тарғиб қилиш керак. Лекин ёмонлик ва камчиликларни тарқатиш учун рухсат берилмайди. Ўз фикрини ифодалаш эркинлиги исломий концепцияси гарбнинг оммалашган концепциясидан устунлиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай шароитда ҳам ёмонлик ва мункар ишларни тарғиб қилишга йўл қўйилмайди. Бу, шунингдек, ҳеч кимга ҳақоратомуз ва тажовузқорона тилда танқидни қўллашга ҳуқуқ бермайди.

Мусулмонларнинг Расуллоҳдан (с.а.в.) маълум масалада илохий қайтарик олишгани амалда бўлиб ўтган. Агарда у зот муайян ишларда илохий қайтарик олмаганларини айтсалар, мусулмонлар унда ўз фикрларини эркин билдиришарди.

Уюшмалар эркинлиги:

Ислом дини инсонларга уюшмаларга бирлашиш эркинлигини ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқларини беради. Бу ҳуқуқ маълум умумий қоидаларга тегишлидир.

Виждон ва эътиқод эркинлиги:

Қуръони Каримда қуйидаги оятлар нозил қилинган:

**«Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга қуфр келтириб, Алло
хга иймон келтирса, батаҳқиқ
, узилмайдиган муста
х
кам тутқични ушлабди. Ва Алло
х
эшитувчи, билувчи Зотдир»
(Бақара сураси, 256-оят).**

Шунга қарамай, тоталитар жамиятлар одамларни ўз эркинлигидан маҳрум қилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам давлат ҳокимиятининг мана шундай даражада «юксалиши» инсоният томонидан қулликнинг бир қўринишига тўртки бўлиб хизмат қилади. Бир вақтлар қуллик одам устидан одамнинг тўла назоратини билдирар эди. Эндиликда эса бу турдаги қуллик қонунан бекор қилинган. Лекин унинг ўрнига тоталитар жамиятлар одамлар устидан шунга ўхшаш назоратни жорий қилмоқда.

Диний ҳис-туйғулар эркинлиги:

Эътиқод ва виждон эркинлиги билан биргаликда Ислом динида ҳар бир шахсга ҳуқуқ берилганки, унинг диний ҳис-туйғуларига ҳурмат ила қаралади, бу ҳуқуқига тажовуз қилинадиган ҳеч нарса дейилмайди ва қилинмайди.

Ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш ҳимояси:

Ислом дини ўзгаларнинг жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоққа олиш мумкин эмаслиги ҳуқуқини эътироф этади.

Турмушдаги асосий эҳтиёжларга бўлган ҳуқуқи:

Ислом дини муҳтож одамлар учун уларга ёрдам ва қўмақлашишни таъминлаш ҳуқуқини эътироф этади. Қуръони Каримнинг қуйидаги оятларида шундай марҳамат қилинади:

«Ва молу мулкларида сўровчи ва бечораларнинг ҳаққи бордир» (*Зориёт сураси, 19-оят*).

Конун олдида ҳамма тенглиги:

Ислом дини ўзининг фуқароларини конун олдида мутлақо ва бутунлай тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди.

Ҳуқумат бошқарувчилари конун олдида устун эмаслиги:

Юкори табакали ва обрўли оилага тегишли бўлган бир аёл ўғрилиқда гумон килиниб, хибсга олинди. Ушбу ҳолат билан у Пайгамбаримиз (с.а.в.) олдиларига келтирилди. Бу аёлни жазодан олиб қолиш кераклигини айтишди. Расулulloх (с.а.в.) жавоб бердилар: «Сиздан олдинги умматларнинг Аллох тарафидан йўқ килиб юборилиши сабаби улар оддий одамларни жиноятлари учун жазолашар эди ва мансабдор шахсларни эса жазоламасдан кўйиб юборишарди. Мен жоним кўлида бўлган Аллох билан касам ичаманки, хаттоки Фотима – Мухаммаднинг (с.а.в.) кизи шу жиноятни содир қилганида мен унинг кўлини кесган бўлардим».

Давлат ишларида иштирок этиш ҳуқуқи:

Бу Куръони Каримда шундай марҳамат килинади:

«Роббларига ижобат қилган, намозни тўқис адо этган, ишлари ўзаро шууро ила бўлган ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфок қиладиганлар учундир» (*Шууро сураси, 38-оят*).

«Шууро» ёки конунчилик мажлиси ўзида бошқа маънони ўз ичига олмайди, фақат ҳуқуматнинг ижроия бошқаруви ва мажлис аъзолари одамларнинг эмин-эркинлиги йўли билан сайланиб олиниши лозим.

Нихоят, очик-ойдин келадики, Ислом дини юкорида зикр қилинган инсон ҳуқуқларига ва кўп бошқа нарсаларга эришишга ҳаракат қилади. Нафақат маълум даражада ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш билан, балки асосан инсониятга таклиф қилиниши лозим бўлган нарса – бу одамзотнинг хайвоний ҳаётнинг қуйи даражасини енгиб ўтиб, қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлашдан юкорига чиқиши, иркий устунлик ва оғзаки мағрурликни енгиб, иқтисодий имтиёзларни бажара олиши лозим. Бу инсониятга яшаб турган даражасида давом этишни таклиф қилади. Ўзининг ички қомиллиги сабабли одам биродарлик қамолотини англаб олиши мумкин.

«Канзул Иймон», шубҳасиз, Куръони Каримнинг энг яхши таржимасидир. Юкорида келтирилган мақоладаги хато-камчиликлар бутунлай менга тегишли.

Барча муносиб келтирилган маълумотлар тўплами ва ёзувлар, мақоладаги зикрлар Аллоҳга хосдир. Ўзи учун бўлган, Унинг марҳамати ва раҳмати ёғилган тўғри йўлни кўрсатсин. Сон-саноксиз солату саломлар Мухаммад алайҳиссаломга бўлсин. Ассолату вассаламу алайка, ё Расулаллоҳ.

Ислом Академияси,

Техас, АКШ

Таржимон: *Хабибулло Фарид Усмон гўли*